

ISSN: 2181-4058

DOI Journal 10.56017/2181-4058

JORAI

Journal of


RESEARCH

and

INNOVATIONS

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР | ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ

Volume I, Issue 7



IMFAKTOR
PAGES

JULY | 2023

ISSN: 2181-4058
DOI Journal 10.56017/2181-4058

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 7-СОН

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ
ТОМ-I, НОМЕР-7

JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS
VOLUME-I, ISSUE-7

ТОШКЕНТ - 2023

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

№ 7 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4058-2023-7>

Бош муҳаррир:

Салимов А. – архитектура фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Кадиров К. – филология фанлари номзоди, доцент

Таҳририят аъзолари:

Омонов Қ. – филология фанлари доктори, профессор
Муҳибова У. – филология фанлари доктори, профессор
Каримов Б. – филология фанлари доктори, профессор
Рашидов Т. – санъатшунослик фанлари номзоди, доцент
Мухамедова Ф. – санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори
Тешабоев Ж. – санъатшунослик фанлари доктори, профессор
Эгамбердиев И. – техника фанлари доктори, профессор
Ташманов Е. – техника фанлари доктори, профессор
Салихова О. – техника фанлари номзоди, доценти
Закиров Х. – қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор
Гулмуродов Р. – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Жумамуратов А. – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Камолов Б. – география фанлари доктори, профессор
Миракмалов М. – география фанлари номзоди, доцент
Тожиева З. – география фанлари номзоди, доцент
Юсупова М. – архитектура фанлари доктори, профессор
Аскарлов Ш. – архитектура фанлари доктори, профессор
Назарова Д. – архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054912-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

Филология фанлари

ХОЛМИРЗАЕВ Фуркат Голибович

*Таълимни ривожлантириш Республика
илмий-методик маркази бош мутахассиси*
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8170838>

PIRLS 2021 ТАДҚИҚОТИДА ЎЗБЕКИСТОН НАТИЖАСИ ҲАҚИДА

АННОТАЦИЯ

Мақолада PIRLS тадқиқотининг мақсад ва вазифалари, тадқиқотининг аҳамияти, таълим муассасаларидаги жорий этилган ўқитиш усуллари бошқа мамлакатлардаги усуллардан фарқли жиҳатлари, солиштирма натижалари, қатнашган мамлакатларнинг иштирок этган респондентлар ҳақидаги маълумотлар, мамлакатларнинг даврийлик бўйича келтирилган натижалари ва уларнинг ўқиш саводхонлиги динамикаси ҳақида маълумотларни ўз ичига олади.

Ушбу мақолада бошланғич синфларда ўқиш саводхонлигини самарали ўқитиш ва ўрганиш учун шарт-шароитлар яратишда энг муҳим манба ҳисобланади. Бундан ташқари, PIRLS тадқиқоти жараёнида кўп йиллар давомида тўпланган қимматли маълумотлар орқали турли мамлакатларнинг таълим тизимини модернизация қилиш тажрибаси, халқаро тадқиқотлар натижалари билан таққослаш ҳамда таълим муассасасида таълим муҳитини шакллантиришдаги каби ғоялар ва ечимлар тўпланган. Ушбу мақола, албатта, таълим жараёнида, хусусан ўқиш саводхонлиги йўналишидаги самарали ечимларни амалга оширишга ёрдам беришига ишонаман.

Калит сўзлар: PIRLS, ўқиш, саводхонлик, кўникма, солиштирма таҳлиллари, матн, тадқиқот, баҳолаш.

ХОЛМИРЗАЕВ Фуркат Голибович

*Главный специалист Республиканского
научно-методического центра развития образования*

О РЕЗУЛЬТАТАХ УЗБЕКИСТАНА В ИССЛЕДОВАНИИ PIRLS 2021

АННОТАЦИЯ

В статье содержится информация о целях и задачах исследования PIRLS, аспекты методов преподавания, внедряемых в учебных заведениях, которые отличаются от таковых в других странах, результаты сравнения, информация о респондентах участвующих стран, результаты по периодам и динамика их читательской грамотности.

В данной статье чтение в начальных классах рассматривается как важнейший ресурс в создании условий для эффективного преподавания и обучения читательской грамотности. Кроме того, благодаря ценной информации, накапливаемой за многие годы в периоды исследования PIRLS, были собраны идеи и решения, такие как опыт модернизации образовательной системы разных стран, сравнение с результатами международных исследований и формирование образовательной среды в учебном заведении. Я считаю, что эта статья обязательно поможет внедрить эффективные решения в образовательный процесс, особенно в области читательской грамотности.

Ключевые слова: PIRLS, чтение, грамотность, навыки, сравнительный анализ, текст, исследование, оценивание.

KHOLMIRZAEV Furkat Golibovich

*Chief Specialist of the Republican
Scientific and Methodological Center for Education Development*

ABOUT UZBEKISTAN'S RESULTS IN THE PIRLS 2021 STUDY

ANNOTATION

The article contains information about the goals and objectives of the PIRLS study, aspects of teaching methods implemented in educational institutions that differ from those in other countries, comparison results, information about respondents from participating countries, results by period and the dynamics of their reading literacy.

In this article, reading in elementary grades is considered as an essential resource in creating conditions for effective teaching and teaching of reading literacy. In addition, contain to the valuable information accumulated over many years during the PIRLS study, ideas and solutions were collected, such as the experience of modernizing the educational system of different countries, comparison with the results of international studies and the formation of an educational environment in an educational institution. I believe that this article will definitely help to implement effective solutions in the educational process, especially in the field of reading literacy.

Key words: PIRLS, reading, literacy, skills, comparative analysis, texts, survey, assessment.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселекторида ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурилди.

Хусусан, тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган [1].

Шунингдек, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар орасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2020 йилда “Маърифат карвони” тадбирлари доирасида 3 млн. дан ортиқ китоблар ёшларга етказиб берилди, “Ёшлар кутубхонаси” рукни остида 59 та номдаги 590 минг донга бадиий адабиётлар чоп этилиб, республикадаги барча таълим муассасалари кутубхоналарига тарқатилди [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги ПҚ-4354-сон қарорига мувофиқ “2019 - 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш” концепцияси [3] (кейинги ўринларда - Концепция) тасдиқланган. Ушбу Концепция фуқароларнинг ижтимоий ҳолати ва яшаш жойидан қатъи назар, ахборотни эркин олиш ҳуқуқини ўрнатувчи, ахборот-кутубхона фаолиятини ҳамда маданият соҳасидаги сиёсатни тартибга солишчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, республикада ахборот-кутубхона фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тизимини белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришнинг устувор мақсадлари - фуқароларнинг ахборотдан эркин фойдаланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини таъминловчи аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантириш, миллий ва жаҳон маданий бойликлари, амалий ва фундаментал билимлар билан таништириш, шунингдек, мамлакатимизнинг ахборот-кутубхона муассасаларида мавжуд миллий-маданий меросни сақлашдан иборат.

Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўлида хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш, халқаро стандартлар талабларининг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикасида қўйилаётган амалий қадамларга халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларнинг ташкил этилиши тўғрисида ҳукумат қарорининг қабул қилиниши ҳамда Таълим соҳасидаги ютуқларни баҳолаш халқаро ассоциацияси (IEA) билан ҳамкорлик алоқаларининг йўлга ўрнатилганлиги [4] яққол намунадир.

Юқорида келтириб ўтилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 8 декабрдаги 997-сон [5] қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузурида Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази (кейинги ўринларда Миллий марказ деб аталади) ташкил этилган.

Миллий марказнинг асосий вазифалари этиб, халқаро тадқиқотларни ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг вакили сифатида иштирок этиш(1); ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини ривожлантиришга йўналтирилган илмий изланишлар олиб бориш(2); таълим сифатини баҳолаш соҳасида халқаро алоқаларни ўрнатиш, лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш(3); фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш(4); тадқиқотларни илмий ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш(5); умумий ўрта таълим муассасаларининг халқаро тадқиқотларда муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш(6); халқаро баҳолаш дастурларида қайд этилган натижаларни дунё мамлакатлари билан қиёсий таққослаш ва бошқалар белгиланди. Қарорда белгиланган вазифаларни «Йўл харитаси» мувофиқ тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалга ошириб борилмоқда. Шунингдек ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро PISA [6], Матнни ўқиб тушуниш даражасини баҳолаш бўйича PIRLS [7], Математика ва табиий-илмий фанлар бўйича халқаро ўрганиш тенденцияси TIMSS [8]. Ўқитиш ва ўрганиш бўйича халқаро сўровнома TALIS [9] тадқиқотларида Ўзбекистон Республикаси умумтаълим муассасаларининг иштирокини таъминлаш вазифалари белгиланди.

PIRLS (inglizcha: Progress in International Reading Literacy Study) – бошланғич синф ўқувчиларининг матнни ўқиб тушуниш даражасини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқот дастуридир. Бошқача қилиб айтганда, бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиб тушуниш кўникмаларини қай даражада ривожланганлиги ҳақидаги маълумотларни халқаро миқёсда таққослаш имконини берадиган, ўқиш ва ўқитишни яхшилаш учун таълим соҳасидаги давлат сиёсатига оид маълумотларни тақдим этадиган йирик халқаро баҳолаш дастуридир [10].

PIRLS ёш ўқувчиларнинг синфда ва синфдан ташқари ўқишининг иккита кенг камровли мақсадига қаратилган. Булар бадиий тажриба орттириш ҳамда маълумот олиш ва улардан фойдаланиш учун ўқишдир.

Бундан ташқари, PIRLS ўқиш мақсадларининг ҳар бирида тўртта кенг тушуниш жараёнини бирлаштиради. Булар:

- (1) диққатни жамлаш ва аниқ кўрсатилган маълумотларни топиш;
- (2) тўғридан тўғри хулосалар чиқариш;
- (3) ғоялар ва ахборотни талқин қилиш ва уйғунлаштириш;
- (4) контент ва матн элементларини баҳолаш ва танқид қилиш.

Шунингдек, ўқувчиларнинг эришган ютуқларини ўрганишда барча ўқувчилардан эмас, балки ушбу қатламнинг вакиллари сифатида танлаб олинган ўқувчилардан объектив тестларни ўтказиш орқали баҳоланади. Шунингдек, мактаб директорлари, ўқитувчилар, ўқувчилар, ҳаттоки ота-оналардан сўровномалар ўтказилиб, мактабдаги таълим сифатига таъсир кўрсатувчи омиллар, жумладан, мактаб ресурслари, ўқувчиларнинг таълим олишга оид қарашлари, ўқитиш усуллари ҳамда уй шароитида ўқувчиларнинг билим олиши қанчалик даражада қўллаб-қувватланаётганлигига доир қимматли маълумотлар тўпланади.

PIRLS тадқиқотида ишлатиладиган матнларнинг хусусиятлари. Матнлар PIRLS дастурида мураккаблигига қараб, ўртача 500 дан 800 тагача, ўқувчиларининг ўқиш саводхонлиги даражаси паст бўлган мамлакатлар учун 400–500 та, ePIRLSда эса, тахминан, 1000 та сўздан иборат бўлади. PIRLS матнлари учун аниқлик ва изчиллик муҳим мезон ҳисобланади.

2016 йилдан бошлаб қўшимча танлов асосида ePIRLS тизими жорий қилинган бўлиб, у ўқувчиларнинг онлайн ўқиш саводхонлигини баҳолашга мўлжалланган. Интернет ўқувчилар учун маълумотлар олишнинг бошланғич йўли ҳамда мактаб фанлари доирасида изланишлар олиб бориш учун марказий манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 297-сонли буйруғига [11] мувофиқ 4-синф ўқувчилари учун ҳафталик ўқув соатлари жами 23 соат белгиланган. Бундан 3-4-синфларда ҳафтасига 4 соат “Она тили” ва 3 соат “Ўқиш” фанлари тақсимланган. Кейинчалик Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 24 декабрдаги 414-сонли буйруғига [12] мувофиқ 4-синф [13] ўқувчилари ҳафталик ўқув соатлари жами 24 соат белгиланган бўлиб, бунда 4-синфларда ҳафтасига 4 соат “Она тили” ва 3 соат “Ўқиш” фанлари тақсимланган. Унга кўра, 3-синфларда 2022-2023 ўқув йилидан ўқиш фани бекор қилиниб, “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” номли ягона фан киритилиши назарда тутилган.

Умумий ўрта таълимнинг бошланғич синфларда ўқиш фани ўқувчиларни онгли, тўғри ва ифодали ўқишга ўргатиш билан бирга уларда китобхонлик ва нутқ маданиятини ҳамда мустақил фикрлаш қобилияти шакллантиради. Ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилади.

Бошланғич синфларида ўқиш фанини ўқитишнинг асосий мақсади:

- миллий ҳамда жаҳон адабиётининг нодир намуналарини ўқитиш орқали ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий дунёси, адабий-эстетик дидини шакллантириш ҳамда уларда мустақил фикрлаш, образли тафаккурга оид билим, кўникма, малакаларни ҳосил қилиш ва ривожлантириш;

- ўқувчиларни бадиий адабиётга қизиқтириш, асарларни ўргатиш жараёнида олам ва инсон табиати, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар, шунингдек, китобхонлик маданиятини шакллантириш орқали ўқувчиларнинг маънавиятини, дунёқарашини кенгайтириб, мустақамлаб боришдан иборат.

Ўқиш (4-синф) [14] фанини ўқитишнинг асосий вазифаси:

- ўқувчиларнинг оғзаки нутқи адабий тил меъёрлари асосида шаклланиши ва ривожланишини таъминлаш, нутқий компетенцияни ўстириш;

- ёзма нутқда юксак саводхонлик, адабий тил меъёрларига риоя этиш, услубий ранг-барангликдан фойдалана олиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш ҳамда дастлаб таниш, кейин нотаниш матн ифодали ўқитилиб, ўқувчидаги кўникма, малака аниқланади. Шунингдек, миқдорий кўрсаткич – ўқиш тезлиги, онгли ва равон ўқиш, бир дақиқада неча сўз ўқий олиши ҳам белгиланади.

Боланинг матн мазмунини тўлиқ ўқиб олиши, қайта ҳикоялаши, шунингдек, ўзгалар нутқини эшитиб, тушуниб олиши мақсад қилинади. Мазкур дастурдан ўрин олган ватан мавзусидаги асарлар ўқувчиларни мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаёти ва халқимизнинг бунёдкорлик йўлидаги олиб бораётган ишлари билан таништиришга ёрдам беради.

4-синфлар [15] ўқиш дастурида мавзулар кўлами анча кенгайди.

Бу синфларда ўқиш дарсларининг каттагина қисми асарни ўқиш ва матн устида ишлашга қаратилади.

Дарсда ўқувчиларнинг фаоллигини оширадиган, тасаввурларини бойитадиган усуллардан фойдаланиш, асарларни жанр мазмунидан келиб чиқиб, ролларга бўлиб ўқиш, қахрамонлар номидан қайта ҳикоя қилиш, қахрамоннинг тақдири ҳақидаги ҳикояни давом эттириш, қизиқарли мавзуларда оғзаки ҳикоя туздириш каби ижобий топшириқлардан фойдаланиш каби ишлар амалга оширилади [16].

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2020 йил 8 октябрдаги 146-сон буйруғи ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2021 йил 31 майдаги 15-сон ва Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 19к/к-сон қарорига мувофиқ Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази томонидан таълим вазирликлари ва ҳудудий бошқарув идоралари билан ҳамкорликда умумтаълим муассасаларида PIRLS 2021 дастурининг тажриба ва асосий синов босқичлари ташкил этилди.

2020 йил 19-23 октябр оyiда PIRLS дастурининг тажриба-синов жараёнлари ўтказилиб, бунда 28 та мактабларнинг 1417 нафар 5-синф ўқувчилари баҳолаш ва сўровномада, 54 нафар ўқитувчилар, 28 нафар директорлар ва 1417 нафар ота-оналарнинг сўровномада иштирок этиши таъминланди.

2021 йил 5-14 апрел оyiда PIRLS дастурининг асосий тадқиқоти ўтказилиб, бунда 180 та таълим муассасаларининг 5847 нафар 4-синф ўқувчилари баҳолаш ва сўровномада, 221 нафар ўқитувчилар, 180 нафар директорлар ҳамда 5847 нафар ота-оналарнинг сўровномада иштироки таъминланди.

PIRLS дастури 2001 йилда IEA томонидан ташкил этилган бўлиб, 2001, 2006, 2011, 2016, 2021 йилларда ўтказилди. PIRLS 2021 тадқиқотида Ўзбекистон ўқувчилари ҳам иштирок этиб 47 мамлакатлар орасида 49-ўринни эгаллади. Биринчи ўрин эса, Осиёнинг яна бир мамлакати Сингапур, иккинчи ўрин Ирландия, учинчи ўрин Гонконг мамлакати юқори ўринларни эгаллаган. Маълумот учун, МДХ мамлакатлари ҳам ушбу нуфузли тадқиқотда иштирок этиб, Россия 4-ўрин, Қозоғистон 38-ўрин, Грузия 41-ўрин ва Озарбайжон 48-ўринларни эгаллаган [17].

I-жадвал. PIRLS 2021 тадқиқотида мамлакатларнинг ўртача балларнинг тақсимланганлиги (5-синф ўқувчиларидан иштирок этган ўқувчилар).

т/р	Мамлакатлар	Ўртача баллари
1	Сингапур	587 (3.1)
2	Ирландия	577 (2.5)
3	Гонгконг	573 (2.7)
4	Россия Федерацияси	567 (3.6)
5	Шимолий Ирландия	566 (2.5)
6	Англия	558 (2.5)

7	Хорватия	557 (2.5)
8	Литва	552 (2.3)
9	Финляндия	549 (2.4)
10	Польша	549 (2.2)
11	АҚШ	548 (6.8)
12	Хитой Тайпеи	544 (2.2)
13	Швеция	544 (2.1)
14	Австралия	540 (2.2)
15	Болгария	540 (3.0)
16	Чехия Республикаси	540 (2.3)
17	Венгрия	539 (3.4)
18	Дания	539 (2.2)
19	Норвегия	539 (2.0)
20	Италия	537 (2.2)
21	Макао	536 (1.3)
22	Австрия	530 (2.2)
23	Словакия	529 (2.7)
24	Латвия	528 (2.6)
25	Нидерландия	527 (2.5)
26	Германия	524 (2.1)
27	Янги Зеландия	521 (2.3)
28	Испания	521 (2.2)
29	Португалия	520 (2.3)
30	Словения	520 (1.9)
31	Мальта	515 (2.7)
32	Франция	514 (2.5)
33	Сербия	514 (2.8)
34	Албания	513 (3.1)
35	Кипр	511 (2.9)
36	Бельгия (Фламанд)	511 (2.3)
37	Исроил	510 (2.2)
38	Қозоғистон	504 (2.7)
ПИРЛС шкаласининг ўртача натижаси		500
31	Туркия	496 (3.4)
32	Грузия	494 (2.6)
33	Бельгия (Француз)	494 (2.7)
34	Черногория	487 (1.6)
35	Қатар	485 (3.7)
36	БАА	483 (1.8)
37	Баҳрайн	458 (2.9)
38	Саудия Арабистони	449 (3.6)
39	Шимолий Македония	442 (5.3)
40	Озарбайжон	440 (3.6)
41	Ўзбекистон	437 (2.9)
42	Уммон	429 (3.7)
43	Косово	421 (3.1)
44	Бразилия	419 (5.3)
45	Эрон	413 (4.9)
46	Иордания	381 (5.4)
47	Миср	378 (5.4)


48	Марокаш	372 (4.5)
49	Жанубий Африка	288 (4.4)
Иштирокчи шаҳарларнинг ўртача натижалари		
50	Москва шаҳри, Россия Федерацияси	598 (2.1)
51	Дубай, БАА	552 (1.5)
52	Квэбек, Канада	551 (2.7)
53	Алберта, Канада	539 (3.6)
54	Британия Колумбияси, Канада	535 (3.5)
55	Янги фаунландия ва Лабрадор, Канада	523 (3.2)
56	Абу-Даби, БАА	440 (3.5)

Изоҳ: PIRLS тадқиқотида пушти ранг билан белгиланган мамлакатлардан 5-синф ўқувчилари иштирок этган.



Тадқиқот муаллифларни натижаларни ўқиш кўникмалари даражалари бўйича 4 гуруҳга (паст даража - 400 балл, ўртача - 475 балл, юқори - 550 балл ва ривожланган - 625) бўлишганда, Ўзбекистонлик ўқувчиларнинг 70%и қуйи ва 34%и ўртача натижаларни қайд этишган, ўқувчиларнинг 7%и юқори натижаларга эриша олган, ривожланган даражасига эришган ўқувчилар эса йўқ.

Солиштириш учун: Сингапурда “ривожланган” даражасига етган ўқувчилар улуши 35%ни ташкил қилган. Собиқ постсовет давлатларидан Россияда “юқори” даражага етган ўқувчилар улуши 63%ни, Литвада 54%ни, Латвияда - 40%, Грузияда - 25%, Қозоғистонда - 28% ва Озарбайжонда 11%ни ташкил қилган. Халқаро миқёсда эса ўқувчиларнинг 36% юқори ва 75%и ўртача натижаларга эриша олган [18].



I-расм: PIRLS тадқиқотида иштирок этган мамлакатларнинг натижалари йиллар кесимидаги фарқлари.





Дания **Исроил**



Италия **Португалия**



Россия Федерацияси **Сингапур**



Мақола доирасида таҳлил қилинган маълумотлар асосида шундай хулосаларга келиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида ўқиш саводхонлигини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади, халқаро баҳолаш дастурлари эса ушбу тизимини такомиллаштиришда асосий омиллардан бўлиб хизмат қилади.

Халқаро баҳолаш дастурига тайёргарлик кўриш, уни Ўзбекистон умумтаълим муассасаларида жорий этиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий ва методик асослар яратилган. Ушбу дастурларнинг аҳамиятини тарғиб қилиш ва янги ғояларни тажрибадан ўтказиш учун таянч мактаблар тизими яратилган. Тадқиқотга тайёргарлик кўриш ва уларни ташкил этишни қўллаб-қувватлаш бўйича зарурий молиявий ва инсон ресурслари мавжуд.

Халқаро баҳолаш дастурлари талаблари асосида ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлиллари ўқувчиларда ўқиш кўникма ва компетенцияларни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилиши лозимлигини кўрсатмоқда. Бунинг учун эса, аввалам бор ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, инновatsion ўқитиш усуллари жорий қилиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Жумладан, ўқитувчиларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида қатор ишларни амалга оширишнинг долзарблиги намоён бўлмоқда.

Лекин ушбу тадқиқотларнинг тамойилларини чуқурроқ ўрганиш ва таълим тизимига сингдириш бўйича кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси умумтаълим муассасалари ўқувчилари, ўқитувчилари ва мактаблар маъмуриятларининг халқаро тадқиқотда илк маротаба иштирок этиши орқали куйидагиларга эришиш мумкин:

- юртимиздаги таълим тизимининг ютуқ ва камчиликлари юзасидан ўз вақтида ахборот олиш;

- таълим тизимида олиб борилаётган чора-тадбирлар ва дастурларнинг таъсирини таҳлил қилиш имкониятини яратади;

- таълим сифатини ошириш, халқаро миқёсда мамлакатнинг нуфузини мустаҳкамлашга ёрдам беради;

- ўқувчиларнинг билими, салоҳияти ва саводхонлик даражаларининг қай даражада шаклланганлигини билиш ҳамда халқаро миқёсда, хорижий мамлакатлардаги тенгдошлари билан таққослаш;

- таълим муассасаларидаги жорий этилган ўқитиш усуллари бошқа мамлакатлардаги усуллардан фарқли жиҳатлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- шунингдек тизимда туб ислохотлар ва бурилишларга сабаб бўладиган стратегик қарорлар қабул қилиш учун зарурий маълумотларни олиш имкониятлари яратилади.

Ушбу ислохотлар орқали ўқувчи-ёшларнинг илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, ижодий ғоялари ва ижодкорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этишга йўналтирилади.

Шундай экан, миллий таълим тизимидан фарқли бўлганлиги сабабли мазкур тадқиқотларга тайёргарлик кўриш, шу орқали таълим сифатини оширишга эришиш учун умумтаълим муассасалари жамоаларидан юксак масъулият, ўқувчилардан етарлича билим ва кўникмаларга эга бўлишлик, шунингдек ўқитувчилар замонавий инновatsion ўқитиш усулларини ўзлаштириши лозим бўлади.

Ўқувчиларнинг мантиқий, ижодий фикрлаш компетенцияларини баҳолаш ва ривожлантиришда халқаро дастурлар тажрибалари асосида яратилган миллий баҳолаш тизими муҳим ўрин тутди.

Ўқитувчиларнинг малакасини оширишда уларда ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлиги ҳамда креатив фикрлаш, муаммоларни биргаликда ечиш каби компетенцияларини ривожлантиришга оид замонавий ўқитиш усулларидан фойдалана олиш кўникмаларини шакллантиришга эътибор қаратиш тавсия этилади.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. ЎРҚ-637-сон, 2020 йил 23 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида” 07.06.2019 йилдаги ПҚ-4354-сонли қарори; www.lex.uz. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари онлайн миллий базаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 8-декабрдаги 997-сонли қарори. www.lex.uz. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари онлайн миллий базаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 17.01.2022 йилдаги 25-сонли қарори; www.lex.uz. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари онлайн миллий базаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коронавирус пандемияси даврида дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар муомаласини тартибга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 22.07.2020 йилдаги 449-сонли қарори. www.lex.uz. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари онлайн миллий базаси.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 15.03.2017 йилдаги 140-сонли қарори; www.lex.uz. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари онлайн миллий базаси.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 7 июндаги 470-сонли қарори; www.lex.uz. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари онлайн миллий базаси.
8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги “Умумий ўрта таълим мактаблари учун 2021-2022 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режани тасдиқлаш тўғрисида” 297-сонли буйруғи.
9. PIRLS 2021 International Results in Reading. Countries’ Reading Achievement. <https://pirls2021.org/results/achievement/>
10. “Халқаро PIRLS 2021 дастурининг асосий тадқиқотларини ўтказиш учун танланган умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар билимини баҳолашни юқори савияда ташкил этиш тўғрисида” Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2021 йил 31 майдаги 15*-сон ва Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 19к/к-сон қарори.
11. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг “PIRLS 2021 тадқиқоти доирасида тажриба-синов жараёнини юқори савияда ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 8 октябрдаги 146-сон буйруғи;
12. “5 муҳим ташаббус ёшларга қанот”, «Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари тахририяти» ДУК. 18 декабр 2020 йил. <https://yuz.uz/news/5-муҳим-ташаббус-ёшларга-қанот>
13. PIRLS 2021 Assessment frameworks. Ina V.S.Mullis and Michael O.Martin, Editors. Copyright © 2019 International Association for the Evaluation of Educational Achievement (IEA).
14. М.Ю.Юлдашева, Б.У.Мингбаева, Г.А. Маматова, М.Ф.Левкина, М.Ф.Левкина, Ш.Й.Йўлдошева, Бошланғич таълимни ўқитиш методикаси модули бўйича “ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА (И ҚИСМ)”. Тошкент-2018. <https://giu.uz/wp-content/uploads/>
15. Исмаилов А.А., Норбоева Д.А., Манапова Д., Уралова М. “Халқаро тадқиқотларда ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлигини баҳолаш” Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари, методистлар ва соҳа мутахассислари учун методик қўлланма. “Шарқ” Нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти, Тошкент, 2019 йил;

16. Исмаилов А.А., Норбоева Д.А., Кучарова К., Қосимова З.А., Аминова Н. “Халқаро тадқиқотларда бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш саводхонлигини баҳолаш”. Бошланғич синф ўқитувчилари, методистлар ва соҳа мутахассислари учун методик қўлланма. “Шарқ” Нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Тошкент, 2019 йил.

17. Исмаилов А.А., Ахмедов Х.П. Бошланғич таълим сифатини оширишда халқаро PIRLS дастурининг аҳамияти. “PIRLS халқаро баҳолаш дастури: назария ва татбиқ этиш истиқболлари” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий масофавий конференция материаллари, Тошкент, 2020 йил 13 март, 131-137 б.

18. www.tdi.uz – Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг расмий веб-сайти.

19. t.me/milliymarkaz Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий марказининг Телеграм канали.

20. <https://timssandpirls.bc.edu/> Бостон коллежининг TIMSS ва PIRLS халқаро тадқиқотлар маркази расмий веб-саҳифаси.

21. <https://pirls.bc.edu/> Прогресс ин интернационал реадинг литерасй студй. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш саводхонлигини баҳолаш халқаро дастурининг расмий веб-сайти.

ISSN: 2181-4058
DOI Journal 10.56017/2181-4058

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 7-СОН

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ
ТОМ-I, НОМЕР-7

JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS
VOLUME-I, ISSUE-7

«Тадқиқот ва инновациялар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054912-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz